

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВА ОМИНА ЮСУП ҚИЗИ

РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН КЕЙИН ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЖИГАР ДИСФУНКЦИЯСИ ФОНИДА
КЛИНИК ВА АНГИОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мухитдинова Омина Юсуп қизи

Реваскуляризациядан кейин юрак ишемик касаллиги

бўлган беморларнинг жигар дисфункцияси фонида

клиник ва ангиографик кўрсаткичлари..... 3

Мухитдинова Омина Юсуп қизи

Клинико-ангиографические показатели

у больных ИБС после реваскуляризации

на фоне дисфункции печени..... 27

Muxitdinova Omina Yusup qizi

Clinical and angiographic indices in patients with

coronary heart disease after revascularization

against the background of liver dysfunction..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВА ОМИНА ЮСУП ҚИЗИ

РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯДАН КЕЙИН ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЖИГАР ДИСФУНКЦИЯСИ ФОНИДА
КЛИНИК ВА АНГИОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раимкулова Нарина Робертовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Маъриф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Дониёр Анварович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар ва айниқса метаболик бузилишлар, шу жумладан жигар дисфункцияси билан биргаликда юрак-қон томир ҳодисалари ривожланишининг жуда юқори хавф гуруҳига киради. Масалан, коронар атеросклероз ва қандли диабет бўлганида ишемик ҳодисалар бошланиш хавф 2-4 баравар кўпайиши маълум¹. Адабиётларда келтирилганидек, ЮИК кечишида жигар муқаррар иштирок этадиган бузилган метаболизмнинг патогенетик таъсир механизмлари - семизлик, қандли диабет - етарлича ўзгарувчан бўлиб, тизимли сушт кечувчи яллиғланишнинг бошланишини, шу жумладан ёғ тўқимаси томонидан ишлаб чиқарилган биологик фаол моддалар ва тизимли яллиғланиш (цитокинлар, лептин ва адипонектин мувозанати бузилиши), коагулянт ҳамда антикоагулянт, ва липид алмашинуви омиллари ҳамда бошқаларни ўз ичига олади.

Тери орқали коронар аралашувдан кейин антитромботик терапиянинг ижобий таъсири шубҳасиз, аммо хавфсизроқ даволаш схемаларини танлашни ҳисобга олган ҳолда айниқса жигар дисфункциясида кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Жигар дисфункцияси билан биргаликда тери орқали коронар аралашувларни ўтказган сурункали юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда баъзи даволаш схемаларининг самарадорлиги тўлиқ аниқланмаган. Шундай шароитда, клиник ва ангиографик кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда индивидуал ёндашувни қўллаш орқали оптимал терапевтик стратегияни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида қатор узлуксиз ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ушбу мақсадлар учун ажратилаётган молиявий ва моддий имкониятлардан фойдаланган ҳолда ривожланишнинг янги йўллари изланмоқда. Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, даволаш-профилактика муассасалари фаолиятининг асосий мақсади бюджет ва ундан ташқари молиялаштириш шароитида аҳолини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш ҳамда тиббий хизматлар бозорида пул маблағлари манбаларини топиш зарурати ҳисобланади. Бундай чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш бюджет харажатларини пировард ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишга йўналтириш, жаҳон сифат стандартларига жавоб берадиган даволаш-профилактика муассасалари ва тиббиёт муассасалари фаолиятини смета асосида молиялаштиришдан пировард натижаларга ҳақ тўлашга ўтиш учун мустаҳкам пойдевор яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПФ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси

¹ Некрасов А.А., Тимощенко Е.С., Некрасова Т.А., Бахрак Е.В. Прогноз пациентов с ишемической болезнью сердца и сахарным диабетом — на что обратить внимание. Российский кардиологический журнал. 2024;29(9):6030. <https://doi.org/10.15829/1560-4071-2024-6030>. EDN: DPDOQ

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Куп сонли тадқиқотларда келтирилганидек, турли даражадаги жигар шикастланиши бўлган беморларда юрак ишемик касаллигининг (ЮИК) ривожланиши нохуш прогноз ва юқори ўлим билан боғлиқ. Жигар трансплантацияси учун навбатда турган айрим беморларда ҳам ушбу гуруҳга мансуб, Сўнгги йилларда ЮИКни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича сезиларли ютуқларга эришилган бўлса ҳам, ушбу тоифадаги беморлар учун ҳамон кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд.

Ўтган асрнинг охирида жигар циррози билан оғриган беморлардаги паст қон босими ва паст холестерин даражаси сабабли юрак ишемик касаллигининг ривожланишидан ҳимояланган деб ҳисобланган. Бироқ, сўнгги маълумотлар шуни тасдиқладики, турли даражадаги жигар шикастланиши, шу жумладан унинг цирроз босқичи мавжуд беморлар популяциясида ЮИК умумий популяцияга нисбатан кўпроқ учрайди. Жигар дисфункцияси аниқланган беморларда ЮИКнинг тарқалиши 1,7 дан 27% гача ўзгариб туради ва унинг трансплантацияси жараёнида ва ундан кейин юқори ўлим билан боғлиқ. Реваскуляризацияни бошдан кечирган ёндош жигар патологияси бўлган ЮИК билан оғриган беморларнинг юрак-қон томир ва экстракардиал натижаларига таъсир қилувчи хавф омиллари масаласи ўрганилмаган.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жигар циррози билан оғриган беморларда субклиник ва клиник жиҳатдан ифодаланган атеросклероз, шу жумладан коронар артерияларнинг шикастланиши умумий популяцияга

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

караганда сезиларли даражада юқори (Kalaitzakis E. et al., 2009; Zhao Y. et al., 2018). Жигар касалликларида юрак асоратлари патогенезида томирлар реактивлигининг бузилиши, яллиғланиш олди цитокинларининг фаоллашуви, гиперкоагуляция ва оксидатив стресс муҳим ўрин тутди. Проспектив когорт тадқиқот маълумотларига кўра, ЮИК жигар циррози билан оғриган беморларда 20% ҳолларда аниқланган, бу тегишли ёш ва жинс учун кутилган даражадан сезиларли даражада ошган (Kalaitzakis E. et al., 2009).

Кўшимча тадқиқотлар метаболик синдром, семизлик, диабет ва артериал гипертензия негизда цирроз билан оғриган беморларда ЮИКнинг қўп тарқалишини тасдиқлади (Saleh M. et al., 2021). Шу билан бирга, миокард реваскуляризациясидан кейинги натижаларни башорат қилишда алоҳида лаборатория маркерлари - билирубин, альбумин, трансминазалар, шунингдек, композит индексларнинг роли ноаниқлигича қолмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти ретроспектив характерга эга, гетероген киритиш мезонлари ва намуналарнинг чекланган ҳажми мавжуд бўлиб, бу хулосаларнинг ишончлилигини пасайтиради ва ЮИК ва ёндош жигар патологияси бўлган беморлар иштирокида катта мақсадли тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади (Zhao Y. et al., 2018; Saleh M. et al., 2021).

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси ёки илмий-тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Сурункали касалликларни замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш” (2022-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ЮИК билан оғриган беморларда тери оркали коронар аралашувдан кейин клиник-функционал ўзгаришлар, коморбидлик негизи ва хавфларни шаклланишида жигар дисфункциясининг аҳамиятини аниқлаш ва асоратларни олдини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИК билан оғриган беморларнинг клиник- функционал ҳолатини ва коморбидлик негизда жигар дисфункциясига боғлиқ равишда баҳолаш;

коронар артериялар шикастланиши ва юракнинг эхокардиографик кўрсаткичлари ва эндотелиал дисфункция даражасини қиёсий баҳолашни ҳамда уларнинг тери оркали коронар аралашув ўтказилган ЮИК билан оғриган беморларда жигар дисфункцияси даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

ЮИК аниқланган ва жигар функцияси бузилиши мавжуд ҳамда мавжуд бўлмаган беморларда иммунологик ўзгаришларни ўрганиш;

ЮИК бўлган ва жигар функцияси бузилиши мавжуд ҳамда мавжуд бўлмаган беморларда С-реактив оқсил, интерлейкин-6 ва ўсимта некрози омили - α каби яллиғланиш маркерларининг таркибини ўрганиш;

ЮИК ва тери оркали коронар аралашув бўлган беморларда жигар шикастланишини мавжудлигига боғлиқ ҳолда стентнинг клиник рестенози

хавфининг кўп қиррали регрессия таҳлилини ўтказиш ҳамда улар учун терапевтик аралашув алгоритмини таклиф қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида «Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази» муассасасида кузатув ва даволанишда бўлган, ЮИК билан оғриган, тери орқали коронар аралашув ўтказилган 45 ёшдан 70 ёшгача бўлган 124 нафар бемор – эркаклар ва аёллар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида коморбид фон, биокимёвий кўрсаткичлар (АЛТ, АСТ), липид профили, ферритин, Д-димер, жигар ультратовуш текшируви, тизимли яллиғланиш маркерлари (С-реактив оксил, интерлейкин-6 ва ўсимта некрози омили - α , лейкоцитлар), эхокардиография ва доплерфлоуметрия, реактив гиперемия синамаси, коронароангиографиялар ўтказилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациядаги тадқиқотлар биокимёвий, асбобий ва кам инвазив реваскуляризация усуллари ҳамда статистик таҳлилларидан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувлар ўтказилгандан кейин жигар дисфункциясининг мавжудлиги клиник жиҳатдан аҳамиятли рестеноз ва узок муддатли прогнозларнинг ёмонлашувининг мустақил детерминанти эканлиги аниқланган;

юрак ишемик касаллиги ва ёндош жигар дисфункцияси билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейинги эрта муддатларда реактив гиперемиянинг пасайиши ва тизимли яллиғланишнинг кучайиши [С-реактив оксил, интерлейкин-6] билан кечадиган эндотелий дисфункцияси кузатилиши ва у натижаларга салбий таъсир кўрсатиши асосланган;

реваскуляризациядан кейинги эрта муддатларда жигар дисфункцияси мавжуд бўлган беморларда яллиғланиш олди цитокинлари [α -ўсма некроз омили, ИЛ-6] устунлиги иммунологик бузилишлар ривожланиши билан бирга стандарт даво самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши асосланган;

тери орқали коронар аралашувидан кейин юрак ишемик касаллиги ва жигар дисфункцияси мавжуд беморларда комбинацияланган даво таркибида левокарнитинни қўллаш клиник натижаларни яхшилаш, яллиғланиш маркерлари даражасини пасайтириш ва эндотелиал функция кўрсаткичларини яхшилаш имконини берганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жигар дисфункцияси ва периферик томирларни қайта моделлаштириш даражаси ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, комплекс баҳолаш мақсадида ЮИК мавжуд барча беморларга жигар функциясини текширишни ўтказиш тавсия этилади;

Жигар дисфункцияси кузатилган ЮИК бўлган беморларда дори терапиясининг самарадорлигини баҳолаш учун нафақат субъектив баҳолаш мезонларидан, балки эндотелия функциясини текшириш ҳам керак;

Тери орқали коронар аралашув ўтказилган жигар дисфункцияси кузатилган ЮИК бўлган беморларни даволашни муқобиллаштириш

мақсадида антиоксидант левокарнитинни қўллаш, нафақат касалликнинг клиник кўринишини, балки тизимли секин кечувчи яллиғланиш маркерларини, шунингдек, эндотелиал функцияни ҳам яхшилайти.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, тери орқали коронар аралашув ўтказган ЮИК билан оғриган беморларда жигар функционал ҳолатининг ўзига хослиги, эндотелиал функция, ушбу тоифадаги беморларда тизимли суст кечувчи яллиғланиш маркерлари ҳамда статистик тадқиқот усуллари, маълумотларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган илмий ва амалий натижалар жигарнинг функционал ҳолатига боғлиқ ҳолда дифференциал ёндашув зарурлигини тавсия қилиш имконини беради. Эҳтиёткорона схемалардан, шунингдек, антиоксидантлардан қўшимча фойдаланиш турли хил антитромботик терапия режимлари негизда реваскуляризациядан кейин ЮИК бўлган беморларнинг жигар ҳолатини баҳолашнинг самарали усули сифатида тери орқали коронар аралашув ўтказилган беморларни постинвазив даволаш учун зарурий шартдир. Реваскуляризациядан сўнг, оғирлаштирувчи омиллар нафақат жигар дисфункцияси ва улар билан боғлиқ метаболик бузилишлар, балки тизимли секин кечувчи яллиғланиш маркерларининг мавжуд жигар шикастланиши даражаси билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг амалий натижалари жигарнинг функционал ҳолатини ўрганиб, тизимли яллиғланиш ва иммунологик силжишлар мавжудлигини аниқлаб унинг дисфункцияси мавжудлигига боғлиқ ҳолда тиббий аралашув ҳажмини аниқлашга, бу эса соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида терапевтик ва диагностик тадбирларни ўтказишга имкон беради. ЮИК мавжуд беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейин тегишли метаболик ўзгаришларни ва жигар шикастланишини эътиборга олган ҳолда миокард реваскуляризациясидан сўнг турли хил терапия схемаларини оғиз орқали қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Реваскуляризациядан кейин юрак ишемик касаллиги бўлган беморларнинг жигар дисфункцияси фонида клиник ва ангиографик кўрсаткичларни баҳолашдан олинган илмий натижаларига асосида:

биринчи илмий янгилик: юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувлар ўтказилгандан кейин жигар дисфункциясининг мавжудлиги клиник жиҳатдан аҳамиятли рестеноз ва узок муддатли прогнозларнинг ёмонлашувининг мустақил детерминанти эканлиги аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Андижон филиали 12.02.2025 йилдаги 42-сон буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиали

14.02.2025 йилдаги 24и/т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025йил 25 апрелдаги 16/26 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган хавфни эрта табақалаштириш алгоритми рестеноз эҳтимоли юқори бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва кейинги давони мослаштириш имконини беради, бу эса жиддий юрак асоратлари сонини камайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: такрорий реваскуляризация сонини минималлаштириш бюджет маблағларини тежаш имконини беради, қўшимча муолажалар учун харажатларни олдини олади. Хулоса: тери орқали коронар аралашувдан кейин юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда хавфнинг табақаланиш алгоритмига жигарнинг функционал ҳолатини баҳолашни киритиш рестеноз ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни ва нохуш узоқ муддатли натижаларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш тактикасини мослаштириш ва шу билан даволаш самарадорлигини ошириш, такрорий касалхонага ётқизишни камайтириш ва касалликнинг клиник кечишини яхшилаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: юрак ишемик касаллиги ва ёндош жигар дисфункцияси билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашувдан кейинги эрта муддатларда реактив гиперемиянинг пасайиши ва тизимли яллиғланишнинг кучайиши [С-реактив оксил, интерлейкин-6] билан кечадиган эндотелий дисфункцияси кузатилиши ва у натижаларга салбий таъсир кўрсатиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Андижон филиали 12.02.2025 йилдаги 42-сон буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиали 14.02.2025 йилдаги 24и/т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025йил 25 апрелдаги 16/26 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: постваскуляризация даврида эндотелиал функция ва яллиғланиш маркерларини мунтазам мониторинг қилиш зарурлигини асослаш юқори хавф гуруҳидаги беморларда иккиламчи профилактикани оптималлаштириш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: эндотелиал дисфункцияни ўз вақтида аниқлаш ва яллиғланишни тузатиш такрорий касалхонага ётқизиш сонини камайтиришга ва шифохонага даволаниш учун маблағларни тежашга олиб келади. Хулоса: юрак ишемик касаллиги ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда тери орқали коронар аралашувдан сўнг эрта эндотелиал дисфункция ва тизимли яллиғланишнинг ривожланиши кузатув дастурига қон томир тонуси ва яллиғланиш маркерларини мажбурий назорат қилишни киритишни талаб қилади, бу эса ўз вақтида профилактика ва даволаш чораларини кўриш, иккиламчи профилактика самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини камайтириш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: реваскуляризациядан кейинги эрта муддатларда жигар дисфункцияси мавжуд бўлган беморларда яллиғланиш олди цитокинлари [α -ўсма некроз омили, ИЛ-6] устунлиги иммунологик бузилишлар ривожланиши билан бирга стандарт даво самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган

кардиология илмий-амалий маркази Андижон филиали 12.02.2025 йилдаги 42-сон буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиали 14.02.2025 йилдаги 24и/т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025йил 25 апрелдаги 16/26 -сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: беморлар ҳолатини баҳолаш алгоритмларига иммунологик кўрсаткичларни киритиш касалликларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган шахсийлаштирилган даволаш стратегияларига ўтиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: оғир асоратлар ва такрорий инвазив муолажалар сонининг камайиши соғлиқни сақлаш тизимига молиявий юкни оптималлаштириш имконини беради. Хулоса: Реваскуляризациядан кейинги эрта муддатларда иммунологик бузилишларни, хусусан ЎНО- α ва ИЛ-6 гиперэкспрессиясини аниқлаш ЮИК ва жигарнинг ёндош дисфункцияси бўлган беморларда даволашга иммуномодуловчи ёндашувларни тавсия этиш зарурлигини асослайди.

тўртинчи илмий янгилик: тери орқали коронар аралашувидан кейин юрак ишемик касаллиги ва жигар дисфункцияси мавжуд беморларда комбинацияланган даво таркибида левокарнитинни қўллаш клиник натижаларни яхшилаш, яллиғланиш маркерлари даражасини пасайтириш ва эндотелиал функция кўрсаткичларини яхшилаш имконини берганлиги аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Андижон филиали 12.02.2025 йилдаги 42-сон буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиали 14.02.2025 йилдаги 24и/т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025йил 25 апрелдаги 16/26-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: левокарнитинни қўллаш орқали терапевтик имкониятларни кенгайтириш беморларнинг постваскуляризация асоратларга чидамлилигини ошириш ва реал клиник амалиётда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: левокарнитинни қўллаш фонид асоратлар ривожланиши ва касалхонага ётқизиш хавфини камайтириш юқори харажатли даволаш тадбирларига бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини беради. Хулоса: юрак ишемик касаллиги ва тери орқали коронар аралашувдан кейин жигар дисфункцияси бўлган беморларда комплекс терапия таркибида левокарнитинни қўллаш яллиғланишга қарши ва эндотелиопротектив таъсирни таъминлайди, касалликнинг клиник кечишини яхшилади, асоратлар ва такрорий касалхонага ётқизиш эҳтимолини камайтиради ва шу билан ушбу тоифадаги беморларни постинвазив даволашнинг ҳам клиник, ҳам иқтисодий самарадорлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 95 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ушбу диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ҳамда вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини таъкидланган, унинг амалий натижалари ва илмий янгилиги тақдим этилган. Натижаларнинг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг тадбиқ этилганлиги, муҳокамадан ўтганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Миокард реваскуляризациясига муҳтож юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни бошқариш (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида жаҳон адабиёти маълумотларининг, шу жумладан халқаро кўрсатмаларнинг ҳар томонлама таҳлили тақдим этилган. Унда тизимли яллиғланиш, оксидловчи стресс ва эндотелиал дисфункциянинг ролига алоҳида эътибор берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида унинг объекти, предмети, материаллари ва усуллари ёритилган. Тадқиқот усуллари аниқ тузилган ва: ЮИК бўлган 124 беморни (жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган ҳолда) истиқболли текшириш; биокимёвий, эхокардиографик ва ангиографик тадқиқотлар ўтказиш; яллиғланиш маркерларини (СРО, ИЛ-6, ЎНО- α) ва эндотелиал функцияни ўрганиш; статистик ишлов бериш усулларини қўллаш, шу жумладан кўп ўлчовли регрессия таҳлилини ўз ичига олади.

Беморлар тери орқали коронар аралашув ўтказилганидан кейин 1 йил давомида кузатилган ва даволанган, сўнгра уларнинг маълумотлари иккиламчи нуқталарда таққосланди. Клиник-демографик тавсифлар дастлабки ва 12 ойлик терапия динамикасида амалга оширилган.

Барча субъектлар тадқиқотда қатнашиш учун ёзма маълумотли розилик тақдим этганлар. Танлаш мезонларига мос бўлган беморлар қуйидаги алгоритм бўйича текширилди: юрак-қон томир хавф омилларини аниқлаш (ёши, жинси, чекиш, гипертония, қандли диабет, дислипидемия, тана массаси индекси ва ЮИК оилавий тарихи). Коронар этишмовчиликни кўрсатадиган белгиларни баҳолаш, масалан, зўриқишда кўкрак қафасидаги типик оғриқлар ва коронар даволаш бўлимига стабил зўриқиш стенокардияси билан ётқизилиш тарихи. Бирламчи якуний нуқта МАСЕ бўлиб, у TLR, TVR, АКШ, МИ, БМҚАЎБ, стент тромбози, кучли қон кетиши, юрак ва юракдан ташқари

дарҳол ва 12 ой давомида ўлим. Иккиламчи якуний нуқта ишемик кўкрак оғриғининг такрорланиши, ижобий стресс электрокардиограммаси ва эхокардиёграфияда девор ҳаракатининг янги аномалияси билан исботланган стентнинг клиник рестенози эди. Стентнинг клиник рестенози коронар ангиография билан ҳужжатлаштирилган.

Диссертатсиянинг «**Жигар дисфункцияси бўлган беморларда юрак ишемик касаллигининг клиник белгиларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида ЮИК ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда қўшимча хавф омилларини ўрганиш ёритилган.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ЮИК тасдиқланган ташхиси билан жигар дисфункцияси бўлган беморлар тадқиқотга киритилди. Улар аниқланган юрак-қон томирлар хавф омиллари бўйича мойиллик кўрсаткичлари асосида юрак-қон томир касалликлари ва жигарлари соғлом бўлган ЮИК билан оғриган назорат гуруҳи беморлари билан таққосланди.

Жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг ва назорат гуруҳининг, яъни жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг дастлабки хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган юрак ишек касаллиги билан оғриган беморларнинг тавсифи

	Жигар дисфункцияси бўлмаган (n=40)	Жигар дисфункцияси бўлган (n=84)
Ёши	55±1,3	53,9±0,8
ТМИ	26,2±0,5	27,4±0,7
ХНН	1,47±0,03	1,48±0,03
Тромбоцитлар × 10 ³ /мм ³	180,7±2,2	126,8±1,3***
СЮЕ д (г.)	7,9±1,9	4,8±1,1
Бел айланаси (см)	91,6±1,4	97,4±2,1*
САБ (мм рт. ст.)	163,7±3,9	165,1±4,8
ДАБ (мм рт. ст.)	108,4±2,5	104,2±3,9
Қонда холестерин (ммоль/л)	6,5±0,4	8,1±0,5*
Қонда триглицеридлар (ммоль/л)	2,3±0,2	2,9±0,6
ХСЮЗЛП (ммоль/л)	1,2±0,1	1,3±0,1
ХСПЗЛП (ммоль/л)	6,5±0,5	7,6±0,6
Атерогенлик коэффициенти	5,3±0,5	5,9±0,9

Изоҳ: * P<0,05, ** P<0,01, *** P<0,001 - жигар дисфункцияси бўлмаган гуруҳга нисбатан статистик аҳамиятга эга.

Беморларнинг клиник тавсифлари қуйидагича тақдим этилди: беморларнинг умумий намунаси ЮИК билан жигар дисфункцияси бўлган ёки бўлмаган 124 бемордан иборат. Улардан 84 нафар беморда қуйида санаб ўтилган турли сабабларга кўра жигар дисфункцияси бўлган. ЮИК билан

оғриган 40 нафар беморларда жигар дисфункцияси бўлмаган ва назорат гуруҳини ташкил этганлар.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЮИК ва жигар дисфункцияси бўлган беморлар жигар дисфункцияси бўлмаган беморларга нисбатан юқори ТИМ, катгароқ бел айланаси, тромбоцитлар сонининг камлиги ва юқори умумий холестерин даражаси билан тавсифланади. Бу фарқлар юрак-қон томир касалликлари ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда метаболик ва липид касалликларини диққат билан кузатиш ва даволаш зарурлигини таъкидлайди.

Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда коморбид ҳолатларни ўрганиш ҳамдош касалликларни даволаш прогнози ва натижасига таъсирини тушуниш учун муҳимдир. 2-жадвалда жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган беморларда нобоп оқибатларнинг хавф нисбати (РР) ва имкониятлар нисбати (ОР) келтирилган.

2-жадвал

Юрак ишек касаллиги билан оғриган жигар дисфункцияси бўлган/бўлмаган беморларда коморбид негиз


	Жигар дисфункцияси бўлмаган (n=40)	Жигар дисфункцияси бўлган (n=84)	РР (нис.хавф)	ОР (одд.нис.)
Гипертония касаллиги	17 (42,5%)	56 (66,7%)	1,57 (1,06-2,32)	2,71 (1,25-5,88)
Сурункали обструктив ўпка касаллиги	1 (2,5%)	21 (25%)	10 (1,39-71,74)	13 (1,68-100,53)
Сурункали буйрак касаллиги	6 (15%)	43 (51,2%)	3,41 (1,58-7,34)	5,94 (2,26-15,63)
2-тоифа қандли диабет	12 (30%)	34 (40,5%)	1,35 (0,79-2,32)	1,59 (0,71-3,55)
Инфарктдан кейинги кардиосклероз	4 (10%)	25 (29,8%)	2,98 (1,11-7,99)	3,81 (1,23-11,84)

Гипертония касаллиги жигар функцияси бузилган беморларда сезиларли даражада тез-тез учрайди (42,5% га нисбатан 66,7%). Ушбу гуруҳ учун нисбий хавф (РР) 1,57 (95% ИО 1,06-2,32) ни ташкил қилади, бу ушбу беморларда гипертония хавфи ортишидан далолат беради. Имкониятлар нисбати (ОР) шунингдек, жигар дисфункцияси бўлган беморларда гипертония эҳтимоли сезиларли даражада ошганини кўрсатди (ОР 2,71, 95% ИО 1,25-5,88).

Жигар дисфункцияси бўлган беморларда СОЎК мавжудлиги жигар дисфункцияси бўлмаган беморлардаги 2,5% га нисбатан 25% ни ташкил қилади. Бу ушбу соморбидлик учун нисбий хавфнинг (РР 10, 95% ИО 1,39-71,74) ва коэффициент нисбатининг (ОР 13, 95% ИО 1,68-100,53) сезиларли ўсишини акс эттиради.

Сурункали буйрак касаллиги (СБК) жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 51,2 % ида, дисфункцияси бўлмаган беморларнинг эса 15 % ида учрайди. Нисбий хавф 3,41 (95% ИО 1,58-7,34) ва эҳтимоллик нисбати

5,94 (95% ИО 2,26-15,63) бўлиб, жигар дисфункцияси бўлган беморларда СБК хавфининг сезиларли даражада ортишини таъкидлайди (1-расм).



1-расм. Коморбид негизга боғлиқ хавф ва салбий оқибатлар нисбати


Нисбий хавф ва оддс нисбати таҳлилига асосланиб, чекиш ва қандли диабет, гиперлипидемия ЮИК ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда муҳим хавф омиллари эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Жинс, ирцият, артериал гипертензия каби бошқа параметрлар гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади. Қандли диабет ва чекиш ЮИК ва жигар дисфункцияси бўлган беморларни даволашда қўшимча эътибор талаб қиладиган энг муҳим хавф омиллари ҳисобланади

Таққосланган гуруҳлар, шунингдек, юрак ишемик касаллиги, оилавий анамнезда артериал гипертензия, қандли диабетнинг 2-тоифаси ва дислипидемия каби кўрсаткичлар бўйича қиёсланиши мумкин бўлган. ЮИКнинг клиник кўриниши биринчи ва иккинчи гуруҳдаги беморлар ўртасида статистик жиҳатдан қиёсланиши мумкин бўлган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Юрак ишек касаллиги бўлган беморларда жигар дисфункциясининг мавжудлиги ва турли хавф омиллари ўртасидаги боғлиқлик

Кўрсаткич	Жигар дисфункцияси бўлмаган (n=40)	Жигар дисфункцияси бўлган (n=84)	РР (нис. хавф)	ОР (отн шансов)
Эркаклар	28 (70%)	66 (78,6%)	1,12 (0,89-1,41)	1,57 (0,67-3,69)
ЮҚТК ирсий мойиллик	3 (7,5%)	3 (3,6%)	0,48 (0,1-2,27)	0,46 (0,09-2,39)
Чекмайди	27 (67,5%)	36 (42,9%)	0,63 (0,45-0,87)	0,36 (0,16-0,79)
Илгари чекиш	3 (7,5%)	14 (16,7%)	2,22 (0,68-7,29)	2,47 (0,67-9,15)
Ҳозир чекиш	10 (25%)	34 (40,5%)	1,62 (0,89-2,94)	2,04 (0,88-4,72)
Артериал гипертензия	9 (22,5%)	24 (28,6%)	1,27 (0,65-2,47)	1,38 (0,57-3,33)
Қандли диабет	3 (7,5%)	16 (19%)	2,54 (0,78-8,22)	2,9 (0,79-10,6)
Гиперлипидемия	2 (5%)	2 (2,4%)	0,48 (0,07-3,29)	0,46 (0,06-3,39)



2-расм. Хавф омиллари жигар дисфункциясининг ривожланиши эҳтимолига таъсири

Коронар ангиографиядан сўнг тақдим этилган маълумотлар ЮИК бўлган беморларда жигар дисфункциясининг мавжудлигига боғлиқ ҳолда коронар артериялар жароҳатланишининг хусусиятларини акс эттиради. Биз, жигар дисфункцияси бўлган беморларда кўптомли жароҳатланиш эҳтимоли кўпроқ аниқланишини кўрамиз: дисфункцияси бўлмаган гуруҳга нисбатан иккитадан ортиқ артерия иштирок этади. Шунингдек, жароҳатланган сегментлар сонининг кўпайиши кузатилади, хусусан: жигар дисфункцияси бўлган беморларда беш ёки ундан ортиқ сегментларнинг шикастланиши аниқланди, бу жигар дисфункцияси бўлмаган беморлардаги айнан шу кўрсаткичдан икки баравар кўпдир (4-жадвалга қаранг).

ЮИК билан оғриган ва жигар дисфункцияси бўлган ҳамда бўлмаган беморларда коронар артериялар жароҳатланишининг нисбий хавфи ва оддс нисбати маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, баҳоланмаган сегментлар мавжудлиги жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 2,5 % ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 3,6 % ида кузатилган. Нисбий хавф (RR) 1,43 (95% ИО: 0,15-13,32) ва оддс нисбати (OR) 1,44 (95% ИО: 0,15-14,29) эди. Ушбу маълумотлар гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Жалб этилган артериялар сонини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 72,5% ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 59,5 % ида битта артерия жалб этилган. RR 0,82 (95% ИО: 0,63-1,06) ва OR 0,56 (95% ИО: 0,25-1,27) ни ташкил этди. Жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 12,5 % ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 25 % ида иккита артерия иштирок этади. RR 2 (95% ИО: 0,81-4,92) ва OR 2,33 (95% ИО: 0,81-6,72) ташкил этди. Жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 15 % ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 15,5 % ида учта артерия иштирок этади. RR 1,03 (95% ИО: 0,42-2,51) ва OR 1,04 (95% ИО: 0,36-2,97) ташкил этди.

Юрак ишек касаллиги билан оғриган ва жигар дисфункцияси бўлган ҳамда бўлмаган коронар артериялар жароҳатланишининг нисбий хавфи ва имконият нисбати

	Жигар дисфункцияси бўлмаган (n=40)	Жигар дисфункцияси бўлган (n=84)	PP (нис.хавф)	OP (им. нис.)
Баҳоланмаган сегментларнинг мавжудлиги	1 (2,5%)	3 (3,6%)	1,43 (0,15-13,32)	1,44 (0,15-14,29)
Стенозловчи ЮИК	3 (7,5%)	8 (9,5%)	1,27 (0,36-4,53)	1,3 (0,33-5,19)
Жалб этилган артериялар сони				
1	29 (72,5%)	50 (59,5%)	0,82 (0,63-1,06)	0,56 (0,25-1,27)
2	5 (12,5%)	21 (25%)	2 (0,81-4,92)	2,33 (0,81-6,72)
3	6 (15%)	13 (15,5%)	1,03 (0,42-2,51)	1,04 (0,36-2,97)
Жароҳатланган сегментлар сони				
1-4	38 (95%)	73 (86,9%)	0,91 (0,82-1,02)	0,35 (0,07-1,66)
≥5	2 (5%)	11 (13,1%)	2,62 (0,61-11,27)	2,86 (0,6-13,57)
Стенозламайдиган ЮИК	10 (25%)	27 (32,1%)	1,29 (0,69-2,4)	1,42 (0,61-3,32)
Жалб этилган артериялар сони				
1	26 (65%)	39 (46,4%)	0,71 (0,51-0,98)	0,47 (0,22-1,02)
2	10 (25%)	33 (39,3%)	1,57 (0,86-2,86)	1,94 (0,84-4,49)
3	4 (10%)	12 (14,3%)	1,43 (0,49-4,16)	1,5 (0,45-4,98)
Жароҳатланган сегментлар сони				
1-4	37 (92,5%)	71 (84,5%)	0,91 (0,8-1,03)	0,44 (0,12-1,64)
≥5	3 (7,5%)	13 (15,5%)	2,06 (0,62-6,82)	2,26 (0,61-8,43)

Жароҳатланган сегментлар сонини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 95% ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 86,9% ида 1-4 та сегмент жароҳатланган. PP 0,91 (95% ИО: 0,82-1,02) ва OP 0,35 (95% ИО: 0,07-1,66) ни ташкил этди.

Жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 5% ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 13,1% ида ≥5 сегментлар жароҳатланган. PP 2,62 (95% ИО: 0,61-11,27) ва OP 2,86 (95% ИО: 0,6-13,57) ни ташкил этди. Стенозсиз ЮИК жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 25 % ида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 32,1 % ида кузатилади. PP 1,29 (95% ИО: 0,69-2,4) ва OP 1,42 (95% ИО: 0,61-3,32) ни ташкил этди.

Жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 92,5 фоизида ва жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 84,5 фоизида 1-4 сегментлари жароҳатланган. PP 0,91 (95% ИО: 0,8-1,03) ва OP 0,44 (95% ИО: 0,12-1,64) ни ташкил этди. Жигар дисфункцияси бўлмаган беморларнинг 7,5 фоизида ва

жигар дисфункцияси бўлган беморларнинг 15,5 фоизда ≥ 5 сегмент жароҳатланган. РР 2,06 (95% ИО: 0,62-6,82) ва ОР 2,26 (95% ИО: 0,61-8,43) ни ташкил этди.







5-жадвалда АЛТ даражаси $2 \times$ МЮЧ дан кам ва $2 \times$ МЮЧ дан юқори бўлган беморларда биокимёвий, яллиғланиш ва гематологик маркерлар келтирилган.


5-жадвал

Жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган беморларда аланинаминотрансферазанинг энг юқори кўтарилиши тоифалари бўйича биокимёвий, яллиғланиш ва гематологик маркерлар

Кўрсаткич	АЛТ<2х меъёрнинг юқори чегараси	АЛТ>2х меъёрнинг юқори чегараси
Креатинин, мг/дл	88,7 \pm 2,1	96,9 \pm 2**
Прокалцитонин, нг/мл	0,199 \pm 0,003	0,301 \pm 0,01***
СРО, мг/л	108 \pm 1,9	150,5 \pm 4,9***
Д-Димер, нг/мл	1,41 \pm 0,03	1,7 \pm 0,05***
Ферритин, нг/мл	625,9 \pm 11,8	1026,7 \pm 32,9***
Лейкоцитлар $\times 1,000/\mu\text{L}$	7,51 \pm 0,14	9,29 \pm 0,32***
Гемоглобин, г/дл	12,5 \pm 0,3	11,81 \pm 0,34*
Тромбоцитлар $\times 1,000/\mu\text{L}$	233 \pm 4	272,7 \pm 8,1***
Нейтрофиллар бр / μL	551,2 \pm 12,4	711,2 \pm 19,7***
Лимфоцитлар бр / μL	108,8 \pm 2,5	106,7 \pm 3,1

Изох: *-P<0,05, **-P<0,01, ***-P<0,001 – АЛТ<2х МЮЧ гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамияти.





3-расм. Жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган беморларда аланинаминотрансферазанинг энг юқори кўтарилиши тоифалари бўйича биокимёвий, яллиғланиш ва гематологик маркерлар

Тадқиқотимиз натижалари АЛТ даражалари турли хил бўлган беморларда маркерларнинг таҳлили биокимёвий, яллиғланиш ва гематологик белгиларда сезиларли фарқларни аниқлади. АЛТ>2× МЮЧ бўлган беморлар прокалситонин, СРО, Д-димер ва ферритиннинг юқори даражалари билан тасдиқланадиган яққол яллиғланиш реакцияси билан тавсифланади. Гематологик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар ҳам қайд этилиб, бу фаол яллиғланиш жараёнини кўрсатади. Ушбу маълумотлар эҳтимолий асоратларнинг олдини олиш учун АЛТ даражаси юқори бўлган беморларни диққат билан кузатиш ва даволаш зарурлигини таъкидлайди.

6-жадвал


Жигар дисфункцияси бўлган ва бўлмаган стабил юрак ишек касаллиги бўлган беморларда яллиғланиш маркерларининг таркибини ўрганиш

Кўрсаткич	Жигар дисфункцияси бўлган (n=84)	Жигар дисфункцияси бўлмаган (n=40)
Интерлейкин-6	86,0±2,0	22,3±0,3***
Ўсимта некрози омили - α	135,1±2,5	32±0,6***
С-реактив оксил	150,5±4,9	108±1,9***

Изоҳ: * P<0,05, ** P<0,01, *** P<0,001 — жигар дисфункцияси бўлмаган гуруҳга нисбатан статистик аҳамиятга эга.

Жигар дисфункцияси бўлган беморларда ИЛ-6 нинг ўртача даражаси 86,0±2,0 ни ташкил этган бўлса, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларда у сезиларли даражада паст бўлган ва 22,3±0,3 ни ташкил этган (p<0,001). Бу

яллиғланиш жараёнлари қонда яллиғланиш цитокинларининг тўпланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.



4–расм. Жигар дисфункцияси мавжуд ва бўлмаган стабил ЮИК аниқланган беморларда яллиғланиш маркерларининг таркибини ўрганиш

Жигар дисфункцияси бўлган беморларда ИЛ-6 нинг ўртача даражаси $86,0 \pm 2,0$ ни ташкил этган бўлса, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларда у сезиларли даражада паст бўлган ва $22,3 \pm 0,3$ ни ташкил этган ($p < 0,001$). Бу яллиғланиш жараёнлари қонда яллиғланиш цитокинларининг тўпланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўсимта некрози омили (ЎНО-α) макрофаглар ва моноцитлар томонидан ишлаб чиқарилади. ЮИК ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда ўртача ТНФ даражаси $135,1 \pm 2,5$ ни, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларда эса $32 \pm 0,6$ ($p < 0,001$) ни ташкил этди. ЮИК билан кечган жигар дисфункциясида ТНФа нинг юқори даражаси яллиғланишнинг ривожланиши ва жигар тўқималарининг хужайравий деструкцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жигар дисфункцияси бўлган беморларда СРО ўртача даражаси $150,5 \pm 4,9$, жигар дисфункцияси бўлмаган беморларда эса $108 \pm 1,9$ ($p < 0,001$) ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жигар дисфункцияси бўлган беморларда ўрганилган барча яллиғланиш маркерлари (ИЛ-6, ЎНО-α ва СРО) даражаси жигар дисфункцияси бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу ушбу беморлар гуруҳлари ўртасидаги яллиғланишга жавобан фарқларни кўрсатиши мумкин.

7-жадвал

Юрак ишек касаллиги ва жигар дисфункцияси бўлган беморларда яллиғланиш маркерлари ва аланинаминотрансфераза даражаларининг корреляцион таҳлили

Кўрсаткич	АЛТ < 2 МЮЧ	АЛТ > 2 МЮЧ
Фибриноген, нг/мл	-0,34	-0,51 (P < 0,05)
